

УДК: 72.03

**ТОШКЕНТНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК ТИЗИМИ. XIX - XX АСР БОШИ***Ассистент: УТАНОВА Д.А.**Тошкент архитектура қурилиш университети*

Мақолада Тошкентнинг XIX - XX аср бошидаги шаҳарсозлик ривожидан, даврлар оша сақланиб келган бинолар тақдири таҳлил қилинган.

В статье анализируется развитие градостроительства Ташкента в начале XIX - XX веков, судьба зданий, которые сохранились с течением времени.

The article analyzes the development of urban planning in Tashkent at the beginning of the XIX - XX centuries, the fate of buildings that have been preserved over time.

**Калит сўзлар:** Эски шаҳар, янги шаҳар, радиал - ҳалқасимон, темир йўл, машҳур бинолар.

XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Тошкент руслар томонидан босиб олинган, икки маъмурий - ҳудудий қисм “**Эски шаҳар**” ва “**Янги шаҳар**” қисмларига ажралган, Анҳорнинг ўнг соҳили “**Эски шаҳар**” чап соҳили “**Янги шаҳар**” деб аталди.

Ўша давр рус манбаларида Тошкентнинг Эски шаҳар қисми ҳар хил шаклларда қайд этила бошланди. Аммо маҳаллий тилда Тошкентнинг бу қисми аввалгидек, “**шаҳар**” номини сақлаб қолган.

1865-йил Қўймас дарвозаси рўпарасидаги тепаликда рус аскарлари учун ҳарбий истеҳком типидagi иншоотлар қурилиши бошланган Тупроқ кўрғон. Шу тариқа вужудга кела бошлаган янги шаҳар европача услубда бўлиб, мустақил аҳоли манзилгоҳи сифитида барпо этилди. У Туркистон генерал-губернаторлигининг маъмурий марказига айлантирилди.

Ҳозирги Мустақиллик майдонидан ўтувчи Черняев номи билан аталган кўча янги шаҳарнинг биринчи қурилган йўли бўлиб, Ўрда билан Тупроқкўрғонни боғлаган.

Янги шаҳарнинг дастлабки лойихаси 1866-67 йиллар муҳандис М.Н.Колесников томонидан тузилган. Янги шаҳарнинг қурилиши даставвал ҳозирги Навоий кўчасининг бир қисми аввалги (Обухов ва Сапёрлар кўчаси оралиғи) да олиб борилиб, кейинчалик Ўрдагача узайтирилди. Эски шаҳар билан Янги шаҳарни боғлаш мақсадида Анҳор каналига ёғоч кўприк қурилди.

Янги шаҳар ҳудудининг жадал суратларда кенгайиб бориши шаҳар бош планининг янги лойихасини тузишни тақозо этди. 1870-йил меъмор А.В. Макаров янги шаҳарнинг Шибли ариғи чап соҳилига мўлжалланган радиал-ҳалқасимон

схемадаги лойихасини тузди (ҳозирги Шахрисабз ва Амир Темур шоҳкўчалари оралиғи) (1-расм).




1-расм. Янги шаҳарнинг радиал – ҳалқасимон қисми.  
(чапда 1874 йил, ўнгда 2023 йил).

Лойиҳага кўра Константин сквери (ҳозирги Амир Темур хиёбони) унинг маркази бўлиб, ундан Москва (ҳозирги Амир Темур шоҳкўчаси), Лагерь (ҳозирги Мустақиллик кўчаси), Кауфман (ҳозирги Сайилгоҳ ва Тараққиёт кўчалари), Қўйлик (ҳозирги Истиклол кўчаси), Духовский проспекти (ҳозирги Амир Темур шоҳкўчаси) радиал-ҳалқа кўринишида атрофга тарқалган.

1910-йил Янги шаҳарда 4700 дан ортиқ уйлар мавжуд бўлиб, уларда 54,5 минг рус ва бошқа миллат вакиллари яшаган. Шаҳарда турар жой, маъмурий бинолардан ташқари, саноат корхоналари, вино, ёғ-мой заводлари, темир йўл устахоналари ва шаҳарнинг марказий қисмида эса банклар, савдо уйлари, меҳмонхоналар, ресторанлар қурилди.

Каспийорти - Тошкент (1899) ва Оренбург - Тошкент (1906) темир йўл қурилиши ўлкага монополистик капиталнинг кириб келиши, саноат ва савдо-сотиқнинг ривожланиши, кўплаб хом-ашёни ташиб кетилишига имкон яратди (2-расм).



2-расм. Каспийорти - Тошкент ва Оренбург - Тошкент темир йўли.  
(чапда XX аср, ўнгда 2023 йил)

Воскресение бозори аҳолининг савдо-хўжалик ҳаёти маркази бўлган. 1882-йил шаҳар боғи, 1893-йил Александр парки (ҳозирги Фидойилар хиёбони) барпо этилди. Бундан ташқари шаҳарда ўрта ўқув юртларидан гимназия, реал билим

юрти, кадетлар корпуси, коммерция билим юрти, шунингдек, 30 қуйи ўқув юртлари мавжуд бўлиб, 1870 йилда эса Туркистон оммавий кутубхонаси (ҳозирги Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) очилди.

Маданий муассасалардан кишки ва ёзги театр, ҳарбий ва жамоат мажлислари бинолари, йўлчалар ва кўприклар қурилди. Катта кўчалар тунда керосин чироқлар билан ёритилар, кўчаларнинг четларига дарахтлар ўтказилиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Октябрь тўнтаришига қадар бажарилган шаҳар ободончилигига доир ишлардан энг йириги “кўнка” трамвай қурилиши бўлган (3-расм).



3-расм. Шаҳардаги трамвай йўли.

(чапда эски шаҳар қисми, ўнгда янги шаҳар қисми)

Бу даврда қурилган энг машҳур бинолар қаторига қуйидаги биноларни ажратиш мумкин.

Князь Николай Константинович Романов саройи 1889-1890 йиллар меъморлар А.Л.Бенуа, В.С.Гейнцельман томонидан лойиҳаланган. Князь ўлимидан сўнг Романов сарой музей, 1940-1970 йиллар давомида Республика пионерлар саройи, 1980-йиллар Ўзбекистон антиквар буюмлари ва заргарлик санъати музейи, ХХ аср охирида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг қабул уйи, 2021-йилга келиб бино реконструкция қилинди ва дастлабки сарой ҳолатига келтирилиб музей сифитида фойдаланишга топширилди (4-расм).



4-расм. Князь Николай Константинович Романов саройи кўринишлари.  
(чапда ХХ аср боши, ўнгда 2021 йил)

Давлат банки 1895-йил меъмор В.С.Гейнцельман лойихаси бўйича қурилган. Дастлаб у Россия давлат банкининг минтақавий филиали бўлган, ҳозирда Ўзсаноат қурилиш банкининг филиали мавжуд (5-расм).



5-расм. Давлат банки кўринишлари.  
(чапда 1895, ўнгда 2019 йил)

«Националь» меҳмонхонаси 1912 йил меъмор И.А.Маркевич лойихаси асосида қурилган. Кейинчалик «Шарқ» меҳмонхонаси номи билан номланган. Ҳозирги кунда Нурунийлар ва Бухоро кўчалари кесишмасида жойлашган бу бинонинг сақланиб қолган қисмида «Нурунийлар» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ўз фаолиятини олиб бормоқда (6-расм).



6-расм. «Националь» меҳмонханаси кўринишлари.  
(чапда XX аср, ўнгда 2019 йил)

Эркақлар ва аёллар гимназисининг 1882-1883 йиллар меъморлар Е.П.Дубровин, Янчевский ва Велухов томонидан иккита алоҳида бино тариқасида лойихаланган. Реконструкция қилиниш жараёнида қўшимча бир қават қўшилган. Ҳозирда бу биноларда Тошкент давлат юридик университети ўз фаолиятини юритиб келмоқда (7-расм).



Эркаклар гимназияси



Аёллар гимназияси



7-расм. Эркаклар ва аёллар гимназияси кўринишлари  
(тепада 1913, пастда 2023 йил)

Рус-Осиё банки “ака-ука Яушевлар савдо уйи” ўтиш жойи номи билан ҳам боғлиқ. Меъмор И.А.Маркевич лойиҳасига асосан 1910-йил Д.И.Захо уйи (Зарафшон рестарани) га параллел равишда қурилган. Ҳозирда савдо маркази сафатида фойдаланилади (8-расм).



8-расм. Рус-Осиё банки кўринишлари.  
(чапда XX аср, ўнгда 2019 йил)

“Регина” меҳмонхона меъмор Г.М.Сваричевский лойиҳасига асосан 1916-йил қурилган. ўз даврида “Захо” меҳмонхонаси номи билан машҳур бўлган, кейинчалик “Регина” ва “Зарафшон” меҳмонхонаси номлари олган. 1966-йилда бу бино бузлиб, ўрнига 1974-йил бетон конструкцияли янги “Зарафшон” рестарани қурилди. Ҳозирги кунда “Зарафшон” савдо маркази сифатида фойдаланилмоқда (9-расм).



9-расм. «Регина» мехмонхонаси ўрнида қурилган. “Зарафшон” ресторани.  
(чапда 1916, ўнгда тепада 1981 йил, ўнгда пастда 2019 йил)

Октябрь тўнтариши вақтида Янги шаҳар большевиклар уюштирган ғалаёнлар марказига айланди. 1917 йил 28 мартда Янги шаҳар Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Кенгаши тузилди, Янги шаҳар билан Эски шаҳар расмий маъмурий бирликлар ҳисобланган. 1929 йил Янги шаҳар ва Эски шаҳар кенгашлари Тошкент ишчи, деҳқон, қизил аскарлар деб аталмиш депутатлари шаҳар Кенгашига бирлашди, ягона шаҳар доирасида янги маъмурий бўлиниш жорий қилинди. 1939 йил биринчи марта Янги шаҳар ва Эски шаҳарнинг барча қисмларини ягона шаҳарга бирлаштириш кўзда тутилган Тошкентни реконструкция қилиш Бош плани лойиҳаси тасдиқланган.

#### Фойдаланилган манбалар

1. Тошкент, энциклопедия, Тошкент, 2009.
2. Қодирова Т.Ф., Лавров В.А., Маматмусаев Т.Ш. “Ўрта Осиё шаҳарсозлик маданияти” Тошкент, 2014
3. Пулатов Х. Ш. Архитектурно - планировочная структура старого Ташкента (конец XIX - начало XX века) Канд. диссертация Ташкент, 1994
4. Муҳаммаджонов А. “Қадимги Тошкент” Тошкент, 1988
5. Кодирова Т. Ф. “Историко-теоретическое исследование проблем архитектуры Узбекистана (XX - начала XXI вв.)” Ташкент
6. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари портали).
7. <https://shosh.uz/>
8. <https://mytashkent.uz>
9. <https://dzen.ru>
10. <https://Sputnik.uz> Узбекистон.uz
11. <http://oldtashkent.com>
12. <https://yandex.ru/maps>